

**Нуриддин Аминжон**

# **ИСҲОРИ ДИЛ**

**Тошкент -2021й**

## ЎЗБЕКИСТОН

### (Мувашшах)

**Ў** тган йилларимиз ўсиш, балоғат ёшидир бу йил.

**З** афарларга қиёс йўқдур, шарофат ёшидир бу йил.

**Б** арор топди ҳамма режа, шижоат ёшидир бу йил,

**Е** тмиш – ўтмиш – хорлик десак, саодат ёшидир бу йил.

**К** ўйи истиқболи равон, шаҳодат ёшидир бу йил.

**И** ноқликда ошдик довон, қафолат ёшидир бу йил.

**С** арҳадига ғаним кирмас, матонат ёшидир бу йил.

**Т** абаррук Сарварига эш, заковат ёшидир бу йил.

**О** возаи жаҳон бўлдик, маҳорат ёшидир бу йил.

**Н** уриддин айтади дилдан, жасорат ёшидир бу йил.

## АСРЛАРГА ҚОЛАДИ

Янги тарих кўз очгач, мўминлар дуолади,  
Ўтмиш ҳам бир тўлғониб биз томон қиёлади.  
Ким аждодин билмаса, авлоддан уёлади,  
Доно, оқил сиёсат замонни зиёлади,  
Заковатлар ҳосили асрларга қолади.

Маърифатнинг нурини сочиб ўтган устозлар,  
Адолатнинг юзини очиб ўтган устозлар.  
Қисматнинг қайғусини тотиб ўтган устозлар,  
Ибратлари дилларга ҳаяжонлар солади,  
Заковатлар ҳосили асрларга қолади.

Агар онг офтобланмас дилдан қочар мисралар,  
Илҳом дурин тутганда ёғду сочар мисралар.  
Оҳанглар оғушида чирой очар мисралар,  
Ижодкор чарчоқ билмас, уйқусиз тун толади,  
Заковатлар ҳосили асрларга қолади.

Адабиёт гул бўлса, санъат сайроқ булбули,  
Иккиси икки қанот хаёлларнинг дулдули.  
Иккисин бирлаштирар бастакор-оҳанг гули,  
Хонандаю ҳофизлар куйлаб, олқиш олади,  
Заковатлар ҳосили асрларга қолади.

11.08.2014

## **ҒУРУРБАХШИМ МАДҲИЯМ**

Муסיқанинг қанотида учганим,  
Саодатманд кўнгулларни кучганим.  
Серкуёш деб элнинг йўлини ёритган,  
Дилдан тилга, тилдан элга кўчганим,  
Ғурурбахшим, сурурбахшим Мадҳиям!

Жилоландинг, қанотландинг, нурландинг,  
Сайқалландинг, оммалашдинг, жўрландинг,  
Хур халқимиз тилларида такрорим,  
Оташқалблар севгиси-ла кўрландинг,  
Ғурурбахшим, сурурбахшим Мадҳиям!

Сен янграсанг шоҳсупалар куладир,  
Сен янграсанг кўзлар нурга тўладир.  
Мисраларинг шоҳбайтлардан иборат,  
Чап кўксимиз оҳангга жўр бўладир,  
Ғурурбахшим, сурурбахшим Мадҳиям!

Оҳанг аро сўзлар маржон терилган,  
Юртга қасам аҳду паймон терилган.  
Дунё бўйлаб ҳилпиратиб байроқни,  
Шарафингга олқишу шон терилган,  
Ғурурбахшим, сурурбахшим Мадҳиям!

09.12.2019

## ФАВВОРАЛАР

Ер ости сув йўллари – шаҳрим томири гўё,  
Унда оқар тириклик бахш айлагич зилол сув.  
Халқ соғлиғи, бахтини тўкис кўриш муддао,  
Сайлгоҳлар бағрида дилрабо сочар инжу,  
**фавворалар!**

Атрофига қушлардек талпинади кекса – ёш,  
Ҳузурбахш зарралардан кўнгуллар ором туяр.  
Разм солсанг кўринар камалак орти қуёш,  
Муסיкий ранго-ранглик базмини барча суяр,  
**фавворалар!**

Мана неча йилдирки саноғи ортиб борар,  
Мана неча йилдирки атрофида эл-улус.  
Мана неча йилдирки кўзлар севинч сипқорар,  
Мана неча йилдирки Шошга сочар кўркам тус,  
**фавворалар!**

Осмон бўйлаб сачраган қалблардаги вулқон сиз,  
Кўкдан қилар томошо тинчлик қуши кабутар.  
Мустақиллик пойтахти бугун яшар армонсиз,  
Мустақиллик пойтахтин бағридаги гулчамбар,  
**фавворалар!**

## НУРЛИ НАВОЛАР

(Қўшиқ)

Ўзбекистон нурли диёр навоси нурли,  
Кўнгулларга ҳузурбахш хуш ҳавоси нурли.  
Зарҳал билан тарихларни беагай бу кун,  
Жаннатмакон Ватаннинг ҳар маъвоси нурли.

Серқуёш юрт наволари-нурли наволар,  
Мозий сирли садолари-нурли наволар.  
Халқимиз муддаолари-нурли наволар,  
Кўзлар нури, зиёлари нурли наволар.

Оламшумул мақсадларнинг амалин кўринг,  
Ҳар одимда иншоотлар жадалин кўринг.  
Шижоатли юртнинг беҳишт маҳалин кўринг,  
Нурли ғоя жилолари, нурли наволар.

Қўшиқларнинг мағзи эрур маънолар нурли,  
Фаровонлик калитидир имзолар нурли.  
Аждодлардан мерос сози- садолар нурли,  
Дунёларнинг баҳолари нурли наволар.

27.4.2018

## АДИБЛАР ХИЁБОНИ

Жаҳонда йўқ қиёси,  
Адабиёт зиёси.  
Аҳли қалам дунёси,  
Ичра дури-маржони,  
Адиблар хиёбони.

Боғ тўрида Навоий,  
Энг зўрида Навоий,  
Қалб кўрида Навоий.  
Нигоҳида бўстони,  
Адиблар хиёбони.

Абаддур адабиёт,  
Маънавий оби-ҳаёт.  
Ёр бўлиб илоҳиёт,  
Иқтидор намоёни,  
Адиблар хиёбони.

Энг моҳирни пир деган,  
Сўзи жавоҳир деган.  
Лутфи жаҳонгир деган,  
Буюклар жам макони,  
Адиблар хиёбони.

Абдуллоларга салом,  
Топдилар бунда мақом  
Ойбек ҳам Гафур Гулом,  
Эркин Воҳид ошёни,  
Адиблар хиёбони.

Номлари ёд этилди,  
Рухлари шод этилди.  
Тарҳи бунёд этилди,  
Юртбошим армуғони,  
Адиблар хиёбони.

22.05.2020



## АНДИЖОН ТАЪРИФИДА

Ёш Бобурнинг шўхликлари тўкилиб қолган,

Юртни ташлаб кетарида хаёлга толган.

Зиддиятлар вужудини ларзага солган,

Ҳодисотлар гувоҳисан, жон Андижоним.

Моҳларойим балоғатга бағрингда етган,

Умархонга завжа бўлгач Марғилон кетган.

Хўқанд аро меҳр тўкиб, файзиёб этган,

Хотиротлар гувоҳисан, жон Андижоним.

Худойберди зўр шоирнинг кўзин ўйдилар,

Худойберди кўр аталди, сўзин сўйдилар.

“Мардикорда ўлиб кет”, деб имзо қўйдилар,

Беимдодлар гувоҳисан, жон Андижоним.

Абдулҳамид ернинг эмас осмон Чўлпони,

Қаламидан кўнгулларга сочган зиёни.

Ҳасад, фитна, “дўстлари”нинг бўлди қурбони,

Хусумотлар гувоҳисан, жон Андижоним.

Исхори дил

Бобур етган ёшга етиб Муҳаммад Юсуф,  
Доғга қўйди ташлаб кетиб, Муҳаммад Юсуф.  
Номи боқий, шеърлар битиб, Муҳаммад Юсуф,  
Барҳаётлар гувоҳисан, жон Андижоним.

Хаёлларни ўғирлайди бугун жамолинг,  
Халқ турмушин безамоқда ризқи ҳалолинг.  
Юртбошига умр тилар жумла аҳолинг,  
Ислоҳотлар гувоҳисан, жон Андижоним.

Бугун чакноқ кўзлар билан рўбарў туриб,  
Ҳикмат аҳли билан қанча суҳбатлар қуриб.  
Эй Нуриддин, дедим ширин хаёллар суриб,  
Ҳасанотлар гувоҳисан, жон Андижоним.

07.11.2020

## АДАШМА ЙЎЛДАН

Гул излама тўзонли чўлдан,

Ичмагил сув оқава кўлдан.

Эл буюрса майли, юр сўлдан,

Инижоним, адашма йўлдан.

Чанқоқ бўлсанг илму урфонга.

Белни боғла, суян имконга.

Келса омад талпинма шонга,

Инижоним, адашма йўлдан.

Компьютерни билганинг маъкул,

Соғлиғингга ўзингсан масъул.

Унда кўпдир чалғитар усул,

Инижоним, адашма йўлдан.

Интернетмас китобга боғлан,

Маънавият мулкига чоғлан.

Нобоп дўстдан тезда йироғлан,

Инижоним, адашма йўлдан.

Отанга боқ, аканг ҳам ибрат,

Ҳалол яшар, улар беминнат.

Шуни кутар сендан ҳам албат,

Инижоним, адашма йўлдан.

Покиза юр қуриб суҳбат соз,

Дўстлар билан дил ғуборин ёз.

Садоқатинг айла пояндоз,

Инижоним, адашма йўлдан.

Йигит марди ҳамиша зийрак,

Сен таянчсан, ишончли тиргак.

Такрорлайди Нуриддин бирдак:

Инижоним, адашма йўлдан,

Тинчлик бахтин бермайлик қўлдан.

## УМР ЗАВОЛИ

Ёш кетган умрнинг тутгай уволи,  
Чироғи ўчади, сўнар висоли.  
Одамзод кўзинг оч, ақлинг йиғиб ол,  
Гиёҳвандлик инсон умрин заволи,  
Билки афюн асли, ажал қуроли.

Камолот ёшига етказгунча то,  
Ота-онанг жонин айлаган фидо.  
Уларга доғингни кўрмагил раво,  
Тўйларга буюрсин топган ҳалоли,  
Билки афюн асли, ажал қуроли.

Хулқинг касри урар ўғлинг, қизингга,  
Мурда нусхи қўнар гулдай юзингга.  
Оғуфуруш шерик, ризку рўзингга,  
Борингни сўради зулук мисоли,  
Билки афюн асли, ажал қуроли.

Бойлигинг кемирар бир отим нархи,  
Умрингни эговлар Азроил чархи,  
Кўзингни очарсан, очарсан балки,  
Ҳушёрсан, ҳаётинг ибрат, сафоли  
Билки афюн асли, ажал қуроли.

Сен Ҳумо қуши бор элнинг боласи,  
Ҳурликдан сув ичган қирлар лоласи.  
Нуриддин айтари дил ҳаволаси,  
Хайрли ишларнинг бўлгил фаоли,  
Юз ўгир афюндан, ажал қуроли.

18.06.2015

## **ОТАЖОН ХУДОЙШУКУРОВ ХОТИРАСИГА**

Элликқалъа кўчалари олиб қолган ёшлигини,

Изларида бўзлаб юрган ўшал қалам қошлигини.

Бир қўшиқда пора қилган минг кўнгилнинг ғашлигини,

Санъатимиз осмонида англагач қуёшлигини,-

Отажоннинг киндик қони тўкилган юрт кунда ўйлар,

Отажоннинг хотираси ул ҳақида достон сўйлар.

Устоз кўрган хонанданинг жаранглаган тутган сози,

Мавсумийлик унга ётдир, қишми, баҳор, кузми, ёзи,

Оқибатни белгиламас инсон умрин кўпми, ози,

Халқи эъзоз, иззат этган қиёсдан фориғ овози,

Отажоннинг киндик қони тўкилган юрт кунда ўйлар,

Отажоннинг хотираси ул ҳақида достон сўйлар.

“Сегоҳ”ини ёд билармиз, ҳамроҳимиз “Сувора”си,

Якборага қоникмасдан, сўраларди ду бораси.

Эл куйчисин хонишларин эли эди хуммораси,

Тасмаларга муҳрланди неки топилса чораси,

Отажоннинг киндик қони тўкилган юрт кунда ўйлар,

Отажоннинг хотираси ул ҳақида достон сўйлар.

Исҳори дил

Умридан ҳам узун йўлда, қўшиқлари кетиб борар,

Асрларни ортга суриб келажакка етиб борар.

Неча йиллар эллар оша номин буюк этиб борар,

Ўзин кўрмай, устоз деган шогирдлар мадҳ битиб борар.

Отажоннинг киндик қони тўкилган юрт кунда ўйлар,

Отажоннинг хотираси ул ҳақида достон сўйлар.

30.07.2013

## КУЙЛАМАСАМ БЎЛМАЙДИ

Манглайимга битилмишдир иқболим,  
Излаганим сўзлари шаккар болим.  
Менга дейди: сансан яноғи олим,  
Созлидурман, куйламасам бўлмайди,  
Бахтиёрман, бахтим гули сўлмайди.

Оппоқ тонглар ато этар нашида,  
Ваъда бердим, кутар йўлнинг бошида.  
Қизармоққа баҳона йўқ қошида,  
Созлидурман, куйламасам бўлмайди,  
Бахтиёрман, бахтим гули сўлмайди.

Юлдузима тўғри келиб юлдузи,  
Жоним аро оташ солар шўх кўзи.  
Жона ҳузур сочар айтқан ҳар сўзи,  
Созлидурман, куйламасам бўлмайди,  
Бахтиёрман, бахтим гули сўлмайди.

Мажнунтоллар сиримизни яширар,  
Кўзлар кулиб завқу шавқни тоширар.  
Учрашувлар муҳаббатим оширар,  
Созлидурман, куйламасам бўлмайди,  
Бахтиёрман, бахтим гули сўлмайди.

## ХАЛФА ҚИЗЧАЛАР БИЛАН ЗУМРАД ХАЛФА АЙТИШУВИ

**ҚИЗЧАЛАР:** Сизлар жўшиб айтар бахт иқбол надир?

Бизлар борар манзил истиқбол надир?

Тиллара оҳанглар баҳшида этар,

Устозимиз, айтинг Истиқлол надир?

**ЗУМРАД:** Истиқлол Юртбошим аҳди, журъати,

Ободлик боиси, ривож суръати.

Сизларнинг баркамол ўсмоғингиз у,

Тинч ҳаёт у, удир юртнинг қудрати!

**Қизчалар:** Раққосалар қўлинда қўш тоши бор,

На экан бу оҳангга сайроши бор?

**ЗУМРАД:** Жуфт тош илк соз аталади бизларга,

Ўйнағанда усул берар қизларга.

Халқимизнинг эъзозинда ҳанузам,

Мерос бўлиб қолажакдир сизларга.

**Қизчалар:** “Лазги” деса халқнинг қони жўшадир,

Надир “Лазги,” ул жонга на қўшадир?

**ЗУМРАД:** Ривоятда “Лазги” мундай таърифда,

Ул жон учун мисли кундай таърифда.

Дерлар: танга “Лазги” билан руҳ кирмиш,

Муқаддас куй “Лазги» шундай таърифда.

3.08.2014



Исхори дил

## **Зумрад Мадреимова айтади**

Ожизанинг сози ўйнар қўлимда,

Исмими ёд этажакман тилимда.

Аллоҳ берган иқтидорнинг қулиман,

Покизалик гул очади йўлимда.

Ўттизимда пирлар қўлим созлади,

Қишли кунларимни баҳор, ёзлади.

Хурлик келди, бийрон этиб тилимни,

Созимга жўр қўшиғим парвозлади.

Пахлавон пир отам руҳи эш бўлғай,

Шунинг учун яхшиликлар пеш бўлғай.

Ғайри юртдан келганлара ҳайрат шу,

Бизда барча бир-бирига хеш бўлғай.

Сизлар ҳали билмагайсиз чамаси,

Обрўланар Питнагимиз “Дамас”и.

Кундан куна ривож топар воҳада,

Дила роҳат бахшиларнинг нағмаси.

Кўз тегмағай тувған ера ё насиб,

Ҳар соҳада ўғил-қизлар муносиб.

Инжа ишлар юрт кўксини гуллатди,

Карвонимиз чарчамас олға босиб.

Ичан қалъа милёнлара томоша,

Сайёҳ галар тоғлару денгиз оша.

Зумрад халфа кўшиқ айтсин десангиз,

Дарё бўлиб айтаман жўша- жўша.

## ЮЛДУЗЛАР...

Маъюслигим сездимикан шом сабоси,  
Пардаларни ҳилпиратиб олди ўйим.  
Деразамни очган эдим, юрт самоси,  
Юлдузларни жамлаб кўкда қилар ўйин.

О, юлдузлар, нечаларни қилган асир,  
Маъволарда сизни кўзлар кўзлаганлар.  
Ҳанузгача бағрингизда яширин сир,  
Сизга илм тили билан сўзлаганлар.

Кўл етмас деб кўкдан туриб қилманг имо,  
Масофани қисқартганмиз бугун қаранг.  
Эрта- индин ажаб эрмас берса садо,  
Созандамиз чалган куйи сизда жаранг.

Ҳозир менинг хаёлимни қайтарингиз,  
Ғойибона мулоқотдан ўзни узай.  
Аммо порланг, ёрқин юлдуз, ой барингиз,  
Ёруғ- ёруғ жумлалардан мисра тузай.

Юлдузларим хаёлимни қайтарингиз...

## ИККИ ТЎЛҚИН

Дунёни гар денгиз десак унда тўфон,  
Икки тўлқин бир- бирига уради тўш.  
Бири уруш ишқи билан жўшса чунон,  
Иккинчиси Тинчлик бахтин кўради хуш.

Денгиз гоҳо жунбуш олиб қалқимоқда,  
Саросима авж олмоқда соат сайин.  
Кўкда қуёш тинчлик томон балқимоқда.  
Замин учун тинчлик зарур абад, тайин.

Тинчлик дея куйлаётган зўр тўлқиним,  
Мағрур куйла жўрлигида милёнларнинг.  
Рақибингда ҳаловат йўқ, йўқдир тиним,  
Сен фароғат бахтидирсан инсонларнинг.

Дунёни гар денгиз десак унда тўфон,  
Икки тўлқин бир -бирига уради тўш...

## ЁШЛАР ҚЎШИҒИ

Қалб қўрим-ла эритаман тошларни,  
Имо билан даштга ирмоқ элтаман.  
Қаторимга чорлаб сафдош ёшларни,  
Меҳнат билан ниятимга етаман.

Ёшлигимнинг ҳар бир они азиздир,  
Дақиқадан унум олмоқ зўр қарор.  
Ҳалол меҳнат нони, шони лазиздир,  
Шул истакка боғлангандир ихтиёр.

Билагимда қувват сойдаи тошадир,  
Ҳар мушкилни бир зарб ила йиқаман.  
Ватан меҳри мисли вулқон жўшадир,  
Кимки душман олдиға тик чиқаман.

Дўст бўлганга узатаман қўлимни,  
Содикликка аҳдим қолур то абад.  
Уфққача узайтаман йўлимни,  
Орзуларим пок қалбимда беадад.

10.09.2014

Исхори дил

## ҚИЗ ҚЎШИҒИ

Сарамжону ҳам саришта,  
Намунадир барча ишда.  
Гулларни ҳам парваришда,  
Онамга ўхшагим келар.

Пазандалик жон диллари,  
Хазинадир кўнгиллари.  
Койишни билмас тиллари,  
Онамга ўхшагим келар.

Кўзларидан ёғилар нур,  
Мамнунликдан завқу сурур.  
Улар бизга фахру ғурур,  
Онамга ўхшагим келар.

Барчамизга садоға жон,  
Улашурлар меҳру иймон.  
Такрорлашдан толмас забон,  
Онамга ўхшагим келар.

30.05.2001

## МАХТУМҚУЛИЁНА

Замона шиддати мисли шўх дарё,

Умр хубоб, сувда оққанча бўлмас.

Балоғат ёшида олгин илм, зиё,

Заруратда ерга боққанча бўлмас.

Ножўя бир сўзнинг салмоғи оғир,

Афсус, хижолатда куйдирар бағир.

Машаққатдан камол топади сағир,

Ўтмиш қошин имлаб қоққанча бўлмас.

Мисқоллаб топганинг ботмонлаб сочма,

Ботмонлаб топдингми эҳсондан қочма.

Хасисга садақа ҳақда сўз очма,

Писанда кўксингни ёққанча бўлмас.

Шошилганнинг йўлин тўсиб гап сотма,

Барвақт уйғон, лоқайд ғафлатда ётма.

Афюн чекиб надоматларга ботма,

Умидинг бир чақин чаққанча бўлмас.

Яхшилик жавобин кутиб яшама,

Кўзлардан панага ўтиб яшама.

Нуриддин ҳадиклар ютиб яшама,

Ёринг киприкка ёш таққанча бўлмас.

2.12.2007

Кўкни булут босди, қуёшни тўсиб,

Овоз берди олис момогулдирак.

Айрилиқ шарпаси келароқ босиб,

Меъерин йўқотди қайғусиз юрак.

Кўзларим булутга ёйдек санчилиб.

Қуёшни қидирди, излади нажот.

Келажак гўёки кетди янчилиб.

Қиёмат гўёки мен учун ҳаёт.

Бармоқлар титради муштга айланди,

Ички бир нидони тутолмадим сир.

Бахтиёр дамларим тушга айланди,

Бахтимга чанг солди бешафқат тақдир.

Ҳаловат йўқолди, йўқолди тинчим,

Онажон табиат, фақат топ маъқул-

Ҳар юракка инсоф, шудир ўтинчим,

Ваҳшатдан сўнмасин табассум ва гул...

## БАҲОРЖОНГА

М

Баҳоржон

Ер қизиди, кўкка ўрлар ҳовури,  
Сувга тўйди анҳор, ариқ, зовури.  
Кўкни бузди варрақларнинг ғовури,  
Хуш келибсан, қадамингга ҳасанот.

Баҳоржон

Кулгу сочдинг аёлларнинг юзига,  
Сурма тортдинг хумор-хумор кўзига,  
Нозлар кўшдинг ёрга айтар сўзига,  
Хуш келибсан, қадамингга ҳасанот.

Баҳоржон

Гулдастага рўжу қўймиш йигитлар,  
Нола чекиб, кўксин ўймиш йигитлар.  
Висол талаб жондан тўймиш йигитлар,  
Хуш келибсан, қадамингга ҳасанот.

Баҳоржон

Қизларга боқ , юришлари бошқача,  
Ҳай-ҳай, хаёл суришлари бошқача.  
Хўрсиниброқ туришлари бошқача,  
Хуш келибсан, қадамингга ҳасанот.



## АЁ ДЎСТ...

Аё дўст, соғинчинг дилга урилди,  
Қалқиган юракдан отилди нидо.  
Васли боғ жонланди, хаёл сурилди,  
Аразга йўл очди қайси бир хато.

Аё дўст, соғинчинг дилга урилди,  
Ғийбатлар зарбига берганман бардош.  
Ёлғизлик тутди қўл, фироқ керилди,  
Изтироб аёни чимирилган қош.

Аё дўст, соғинчинг дилга урилди,  
Оёқлар бўшашди, кўздан қочди нур.  
Наҳотки ҳамроҳлик сўлга бурилди,  
Наҳотки панд берди бетизгин ғурур.

Аё дўст, соғинчинг дилга урилди,  
Кел, йўлдан гумонни суриб ташлайлик.  
Интиқлик азобда ушлаб турибди,  
Изн бер, барини бошдан бошлайлик.

## ТИЛАКЛАРИМ

М

Сўровчисин кутганларга сабр тилайман,  
Ишқ азасин тутганларга сабр тилайман.  
Юрак ютиб пинҳонасин фош айлагач, сўнг-  
Ҳажр захмин ютганларга сабр тилайман.

Қонларида вулкон шашти оққан одамлар,  
Табиатга меҳр сочиб, боққан одамлар.  
Тараққийга ривож гулин таққан одамлар,  
Гафлатни унутганларга қадр тилайман.  
Мўъжизалар онг маҳсули кашфда туғилар,  
Ҳаёт гули, хаёл гули, кашфда туғилар.  
Яшашнинг турфа усули кашфда туғилар,  
Тинсиз китоб титганларга қадр тилайман.

Ишқин гулга ўраб берар йигитчалар бор,  
Гулни оддий гул ўрнида фаҳмлар дилдор.  
Ундайларни йўлга солмоқ эрурмиш душвор,  
Ёр деб ҳушдан кетганларга қадр тилайман.  
Садоқатнинг юзи ёруғ, мулзам бўлмагай,  
Саодатнинг юзи ёруғ, мулзам бўлмагай.  
Нуриддиннинг кўзи ёруғ, мулзам бўлмагай,  
Бизни ўйлаб ўтганларга қадр тилайман.

21.02.2014

Исхори дил

## Т Ў Р Т Л И К Л А Р

Не қилсинлар тақдир ва ҳаёт,

Иккисини этмабди йўлдош.

Булбул учун берибди баёт,

Гулга эса шабнам- кўзда ёш.

Х Х Х

Ҳаётимни дуолар ижобати ёритган,

Дуолар яхшиларнинг даврасига ёр этган.

Ҳасад отин минганлар йўртиб етаолмаслар,

Чунки улар қилмиши, кори шармисор этган.

Х Х Х

Яхшилик уруғи дилларда унар,

Кўзларда мавжланар, кўзларда ёнар.

Ҳосилин умрига беададлик ёр,

Яхши сатрларни эл ўқиб қонар.

17.02.2014

Х Х Х

Қадахдан меҳринг уз, майлинг бўлса гар,

Ҳасислик уйин буз, майлинг бўлса гар.

Сархушлик онига элтса неки бор,

Улардан бургин юз, майлинг бўлса гар.

24.02.2014

Х Х Х

Борлиқни кўзингга сингдира олсанг,

Сўзингни булоқдек тиндира олсанг.

Саволлар жавобин топурсан бешак,

Билим дарахтини ундира олсанг.

**Х      Х      Х**

Мирзо Бедил айтмай кетган не қолди,  
Шу фикр чарх уриб, тинчимни олди.  
Наҳотки айтарли бир сўз бўлмаса,  
Илҳом ёз деб дилга сатрлар солди.

**Х      Х      Х**

Хўп битилди дарёларнинг шаънига баёт,  
Она замин хўп яшнади, мўл оби ҳаёт.  
Бугун қуёш тафти баланд, тоғларда қор кам,  
Энди деймиз сувни тежанг, тежамдан нажот.

**Х      Х      Х**

Дилдора қиз, яширмагил ой юзингни,  
Қаро қилма ҳурлик берган кундузингни.  
Бидъатларга ўрин берма пок дилингдан,  
Шодон яша, баралла айт ўз сўзингни.

**Х      Х      Х**

Қалби оқлар оқ рангларга ўч бўлади,  
Қора ҳижоб, ниқоб, қора куч бўлади.  
Қора ниятлилар юрар дил ёришмай,  
Кўнгли оққа ҳар тонг қуёш дуч бўлади.

**Х      Х      Х**

Сўз айтсанг самари, салмоғи бўлсин,  
Хотирда бир умр қолмоғи бўлсин.  
Суҳбатдош бемаъни кимса бўлса гар,  
Каломинг дил созин чалмоғи бўлсин.

**Х Х Х**

Билганимни авлодларим билмоғи- ният,  
Қадр этиб унга амал қилмоғи- ният.  
Шажарамиз мероси ҳар касбу ҳунарнинг,  
Сирин қалбга тумор қилиб илмоғи -ният.

**Х Х Х**

Дунё кез, кўрганларинг бергай сабоқ,  
Фикр қил ҳам шукр қил, ҳолингга боқ.  
Каж ният одат эрур кимларгадир,  
Тўс йўлин, унга равомас сўзламоқ.

**Х Х Х**

Маънолар сандиғин очмоғим шартдир,  
Лоқайдлик тўридан қочмоғим шартдир.  
Имконлар қўлимда кулиб турганда,  
Элимга боримни сочмоғим шартдир.

**Х Х Х**

Илҳомнинг суврати қаноти бор от,  
У кимга Бойчибор, кимларга Ғирот.  
Ландовур минганда кўринг ҳолини,  
От оқсар, учай дер, ёзолмас қанот.

**Х Х Х**

Тиланчи “тадбиркор”, қўл чўзиб олар,  
Порахўр найрангбоз, “йўл тузиб” олар.  
Бу дунё мисоли бозорга ўхшар,  
Қасамхўр тарозини нақ бузиб олар.

**Х Х Х**

Бедов миндим, чанг эргашди ортимдан,  
Чангга инган ранг эргашди ортимдан.  
Хавотирга изн бермай кетгандим,  
Рашк қувалаб, жанг эргашди ортимдан.

**Х Х Х**

Яна бир кун жилди шом томон аста,  
Сарҳисоб қилганда хуш бўлди кўнгил.  
Умрим шахдам борар тузиб йилдаста,  
Билмайман, кетарим вақти қайси йил.

Мансабга дил берган дўст,  
Тобеларга берма озор.  
Сенга омад кулди бугун,  
Уларга ҳам кулмоғи бор.

**Х Х Х**

Эриб битди тоғ чўққисин қорлари,  
Қуриб ётар жилғаларнинг зорлари.  
Сувлар жўшиб куйламас, гуллар сўлар,  
Кулар адир янтоғлари, хорлари...

**Х Х Х**

Парча эт эдим, тушдим ерга, кўтарди.  
Улғайдим, ботирди терга, кўтарди.  
Ғанимга, беаёв бўлдим ҳамиша,  
Айландим қасоскор шерга, кўтарди.

10.12.12 Дўрмон

Исҳори дил

Тадбирларни топдинг, бўлдинг бадавлат,

Тўтидай сайрайсан, қаддинг басавлат.

Орзу- ҳавасингда меъёр бўлмагач,

Умрингни эговлар қарз деган даҳшат.

Мақсад аниқ, натижага югурасан зир,

Гоҳ ишинг ўнг, гоҳ елкангни босар юк оғир.

Қиёфаси дўстга ўхшар дўстларингга боқ,

Ўроқда йўқ, бошоқда йўқ, хирмонда ҳозир.

Х Х Х

Тилга кўчди шукрона, солланиб кулиб келдинг,

Ғунча лаб ол, яноқ ҳам олланиб кулиб келдинг.

Муштоқлик энгиб эди, тамшаниб васл тотига,

Болга мутегинам деб, болланиб кулиб келдинг.

Х Х Х

Қалтироқ энгди бизни, деразага қиш қўнди,

Бозиллаган танча йўқ, елкага ташвиш қўнди.

Қаҳратон черикидан қочолмади мавжудот,

Аммо хонаки гулнинг ғунчасига ниш қўнди.

Х Х Х

Гиёҳвандлик бешафқат тортар хорлик чоҳига,

Тақдиринг шахдам борар хору зорлик чоҳига.

Санокда йўқ одамсан, бегонасан иззатдан,

Қачон қулоқ тутгайсан фарзандларинг оҳига.

Х Х Х

Йўлинг унмайди сира ҳамроҳ феъли бад бўлса,

Саволларинг тул қолса, ё жавоби рад бўлса.

Ранжингни қўй, у шундай яратилган нусхадир,

Қалбингга Аллоҳ ҳамроҳ, гар ҳамроҳ мақсад бўлса.

Х Х Х

Аждодлар руҳига аввал эт таъзим,  
Сўнг иморат бошла, қўш бўлсин синчи.  
Боболар измидан борган одамнинг,  
Синчли уйи бўлса бузилмас тинчи.

Х Х Х

Қуёш куйдирганида қочди сояга,  
Гўдакликдан зерикди, етди вояга.  
Чўққиларда гул кўриб, интилди, ёниб,  
Ер гулига беписанд, боқди қояга.

Х Х Х

Ҳумо давлат рамзимизга қанот ёзиб жойланди,  
Ҳаётимиз тинч оқар жўшқин сойга айланди.  
Иншооллоҳ, йиллар оша ҳурлик туғи ҳилпираб,  
Қанча-қанча фитналарнинг қилмиш йўли бойланди.

Х Х Х

Ҳурлик сабаб саховатнинг нури оқар биз томон,  
Ҳурлик сабаб саодатнинг борлиги бизда аён.  
Ҳурлик сабаб бўй кўрсатди эзгуликлар офтобдек,  
Энди ҳурлигимизнинг умри бўлғай бепоён.

Х Х Х

Кечанинг сайёҳи қошдек ҳилол – ой,  
Юлдузлар юзига сочар зар, чирой.  
Сахийлик маслаги бўлгани учун,  
Кун- бакун тўлмоғи шундан ҳойнаҳой.

XX XX XX

Ўчиради ғазаб ўтин самимийлик,  
Ғаним тошса олади тин, самимийлик.  
Сухбатдошлар чехрасига кулгу сочиб,  
Ҳазил қилар аммо секин, самимийлик.



## ТЎРТ ОНАЛИК ФАРЗАНДИМАН

Тўрт онанинг фарзандиман ҳамда дилбанди,

Тўртовига эъзозим бор, тақдирим боғлиқ.

Тўртовлонга садоқатда мен бемонанди,

Тўртовининг тилагани менга бахт-соғлиқ.

Мени йўқлик дунёсидан ерга туширган,

Парча этни улғайтирган айлаган одам.

Орзулардан қанот бойлаб кўкка учирган,

**Онажоним**, онажоним, илоҳий ҳотам.

Илк қадамим ташлаганда, турганимда ғоз,

Келажакка олиб борар йўлимни қурган.

Саховатда меҳрафшон оналарга хос,

**Она тупроқ**, бор эжанман кўтариб турган.

Ўзбек деган номни берган, камолот берган,

Дунё ҳавас айлагувчи безавол макон.

Бахт қасрида яшамоққа кафолат берган,

**Она Ватан**, она Ватан, жон Ўзбекистон!

Мавжудотга жон ато бир мўъжиза бордир,

У сув, ҳаво, тоғу боғ у, бетимсол хилқат.

Инсоният йўғида бор, борида ёрдир,

Уни она атагаймиз, **Она табиат!**

Тўрт онанинг фарзандиман

## **БИР КУЛИШАЙЛИК**

Давра олинг жўражон,  
Келинг, бир кулишайлик  
Пайров улашар хандон,  
Келинг, бир кулишайлик.

Ташвишлар унут бўлсин,  
Дастурхонда қут бўлсин,  
Қаҳ-қаҳга ҳудуд тўлсин,  
Келинг, бир кулишайлик.

Завқи йўқлар пушаймон,  
Кулгу қалбларга дармон.  
Ошно бўлмасин армон,  
Келинг, бир кулишайлик.

Аския, лутф, сўзга,  
Меҳр жо этиб кўзга,  
Табассум қўнсин юзга,  
Келинг, бир кулишайлик.

1-май 2014 йил Қўқон

# САБР- САОДАТ БОШИ

## САДОҚАТ ОСМОНИ

Ним очилган кўзимга  
Борлиқнинг ними чўқди.  
Нафас сиғмай бўғзимга,  
Нола тизими чўқди.

Йўллар сени йўқотди,  
Кўзларимга кирмадинг.  
Зорлик эмган тонг отди,  
Хаёлларга чирмадинг.

Шамолларнинг бўйи йўқ,  
Демак сени кўрмабди.  
Айроликнинг кўзи лўқ,  
Оҳим дайдиб, ўрлабди.

Исминг боғлаб тилимга,  
Тиним бермай айтаман.  
Изинг ташла йўлимга,  
Йўлимни узайтаман.

Ишқлилар хиёбони,  
Иккимизга жой сақлар.  
Садоқатнинг осмони,  
Йўл ёритар ой сақлар.

Хувиллаган кунларим,  
Маъюсликка ботмасин.  
Ором ютар тунларим,  
Сенсиз асло отмасин.

Илтижолар нигоҳим  
Гавҳарини ўймасин.  
Кўриб турган Аллоҳим  
Мени сендан қўймасин.

17.02.2014

## САМАНДАР

М

Ишқ гулхани ичра тобланган,

Самандари ошиқ бу менман.

Ғафлат майин ичиб хобланган,

Қаландари ошиқ бу менман.

Одамизод ишққа кул эса,

Маъшуқаси мисли гул эса.

Икковисиз ҳаёт тул эса,

Бохабари ошиқ бу менман.

Ҳавасим бор қушлар ишқига,

Бетизгин, беҳушлар ишқига.

Ким ўзини муштлар, ишқига

Алҳазари, ошиқ бу менман.

Ошиқману Мажнунча эмас,

Балки Мажнун мендек севганмас.

Гуллаш вақтим, хазон пайтимас,

Мўътабари ошиқ бу менман.

Ғазалларда севги куйланди,

Гўзалларга севги сўйланди.

Нуриддин бахт билан сийланди,

Ёри пари ошиқ, бу менман.

20.12.2020

## БЕВАФОГА

Айроликнинг йўллари тиконли экан,  
Бардоши ёр ошиқлар, имконли экан.  
Бесабабдан айирдинг имконларимдан,  
Наҳот босган қадамлар хазонли экан.

### Нақорат

Бевафо, кўзларимга қарай олмайсан,  
Бевафо, энди йўлим пойлаб толмайсан.  
Сенинг билан тонгни кутган дамлар қани?  
Кипригингдан думалаган намлар қани?  
Нозларингни тушунолмай хуноб эдим,  
Кўйи ишқни ёритгувчи шамлар қани?

### Нақорат

Афсонага айландику бари-бари,  
Энди ўзинг ўртанасан кўрган сари.

Кетмоқдаман, йўлларингга ўйлар сочиб,  
Кўзинг маъюс, юрмагайсан мендан қочиб.  
Кўшиқ айтиб мен булбулга айланаман,  
Боғ ичинда бир гул кутар чирой очиб...

4.11.2004

## ҚАРО КЎЗЛАР

Наҳотки қолмади чора,  
Чаманни топшириб хора.  
Этибдур банди, овора,  
Қаро кўзлар, қаро кўзлар.

Нигоҳинг йўлга бойлансин,  
Ризолик гулга бойлансин,  
Икки тан дилга айлансин,  
Қаро кўзлар, қаро кўзлар.

Вафодорга дилинг оч дер,  
Наволарга сиринг соч дер,  
Вафосиздан йироқ қоч дер,  
Қаро кўзлар, қаро кўзлар.

Ҳаётим нурли-нурлидур,  
Дақиқам хуш, сурурлидур,  
Талаби турли-турлидур,  
Қаро кўзлар, қаро кўзлар.

Нуриддин шукри ёр айлар,  
Садоқат ихтиёр айлар.  
Йўлига интизор айлар,  
Қаро кўзлар, қаро кўзлар.

19.03. 2004

## ХОНАНДА АЗИЗ НУР ҚЎШИҒИ

Изхори дил бўлди айтмоқ ниятим.

Дилдан кўзга ўтиб самимиятим.

Жавобсиз қолди ҳар юборган хатим,

Гўзаллар ичида ягонагинам,

Сенга бахшида бу таронагинам

Дилимиз то абад чамбарчас бўлсин,

Бахту иқбол ёру ҳамнафас бўлсин.

Булбул навосидан диллар маст бўлсин,

Гўзаллар ичида ягонагинам,

Сенга бахшида бу таронагинам.

Хумор кўзларингга тикилиб қолсам.

Ҳузурбахш сўзингдан бахралар олсам.

Муҳаббат ҳиссини қалбингга солсам,

Гўзаллар ичида ягонагинам,

Сенга бахшида бу таронагинам.

Розингни айтмоққа йўл қўймас ғурур,

Ибонинг йўриғи шу хислат эрур.

Нуриддин ғазалин куйлар Азиз Нур,

Гўзаллар ичида ягонагинам,

Сенга бахшида бу таронагинам.

19.02.2020

## ВАСЛИНГ КЎЗИМГА ЯШИР

Кулиб ўтсанг ҳаловат қочар,

Кўнгилда ишқ кўзини очар.

Бошқаролмам, бошдан ҳуш қочар,

Нозга эрк бер, рашкимни ошир,

Аммо васлинг кўзимга яшир.

Сени маъюс кўрмайин асло,

Ранж солмасин бирор муаммо.

Кокилингни тортса ҳур сабо,

Нозга эрк бер, рашкимни ошир,

Аммо васлинг кўзимга яшир.

Яноқларинг оли дилрабо,

Манглай ҳинди холи дилрабо.

Сўзинг жонбахш, боли дилрабо,

Нозга эрк бер, рашкимни ошир,

Аммо васлинг кўзимга яшир.

Сен илҳомсан, ижодга қанот,

Кимга ҳаёт, ким учун мамот.

Нуриддиннинг ёздиғи сабот,

Нозга эрк бер, рашкимни ошир,

Аммо васлинг кўзимга яшир.

**14.02.20**



## СЕН ҚОЛУРСАН

Кўзларингда не қудрат борки,

Тик боқолмай кўзларим доғда.

Қароғингда бир сурат борки,

Жунбушдаман сен боққан чоғда.

Кўзларингнинг забони бордир.

Мулзам этар дилни сўроғда.

Балки сирли имкони бордир,

Таъқибидан вужуд титроғда.

Ихтиёрим олдинг, гулгинам,

Не буюрсанг бўлай огоҳда.

Десам куйла шўх булбулгиман,

Сенинг эса хаёлинг моҳда.

Жоду кўзлар мени маҳв этар,

Эътиборинг мендан йироқда.

Хаёлингни йиғиб ол, этар,

Ўртаганинг жонни қийноғда.

Иқболимни боғладим сенга,

Бахтинг- аҳдга содиқ ҳамроҳда.

Нуриддин дер: ишонгил менга,

Қоладурсан мангу қароғда.

## ЁР ЖАМОЛИ

Қўшиқ айтар авж пардада тонг шамоли.

Тебранади ёрим эккан қўш ниҳоли.

Бу ниҳоллар гуллаганда олам гуллар,

Ана шунда кундай кулар ёр жамоли.

Самимийлик туғма хислат инсонлармиз,

Яхшиликнинг донин сепган деҳқонлармиз.

Нон-туз билан меҳмон кутган мезбонлармиз,

Ким ғаразгўй тутгай уни нон уволи.

Суръатланиб ҳар бир ҳунар топди ривож,

Муҳайёлик, ҳеч нарсага йўқ эҳтиёж.

Баркамоллик фанда, тибда барча илож,

Нуриддинни кулиб имлар истиқболи.

## КЎЗИДАН УҚҚАНЛАРИМ

Дунёга келганимда қутлаганди гул ҳаёт,

Балоғат ато этди шаънимга қўшиқ –баёт.

Ошиқларнинг таъқиби қийнади, енгди сабот,

Бахт топмоққа шошмадим ишқни қилдим эҳтиёт,

Топганимда йўқотдим, армонлар кулди, хайҳот,

Сиз менинг азобимсиз, кўзга инмас хобимсиз.

Бахт кимга шўъла сочар, менинг дилим қоронғу,

Ўйларим тубсиз жарлик босар йўлим қоронғу.

Ўзгалар бол топадир, бўғзимни ўртар оғу,

Яшашга мажолим йўқ, тўртов мучалим соғу,

Ихтиёр йўқ вужудда, сеҳрлаган эй жоду,

Ишқ аро офтобимсиз, энг улуғ китобимсиз.

Ёр йўлига термулиб ким саодат топадир?

Вафосига лафзи йўқ бир хиёнат топадир,

Ўзгаларни қийнашдан ким фароғат топадир,

Кимни орзу қўлласа зўр шижоат топадир,

Дийдорингиз кўрсам бас, дил қаноат топадир,

Ягона, камёбимсиз, сиз менинг ноёбимсиз.

Яратганга сиғиниб сизга омад тилайман,

Юлдузлардан яширмай сувратингиз силайман,

Ҳажрингиз ўртаб турса бўзламай не қилай ман,

Яна не кўргилик бор, айтинг, сириб билай ман,

Шоирман, Нуриддинман васфингизни куйлайман,

Нурли моҳитобимсиз, ширин майи нобимсиз.

## СУЛУВ ЙЎҚДИР...

Сулув йўқдир ёрима ўхшаш,  
Дилбару дилдорима ўхшаш.  
Самодаги ишқий оҳанглар,  
Таъсири йўқ зорима ўхшаш,  
Сулув йўқдир ёрима ўхшаш.

Ҳаволанмас ўзгалар каби,  
Садоқатдир якка талаби.  
Меҳр кулар, кулганда лаби,  
Ким бор вафодорима ўхшаш?  
Сулув йўқдир ёрима ўхшаш.

Гўзаллар кўп сардори битта,  
Интизори, бедори битта.  
Айроликдан безори битта,  
Йўқдир ҳусндорима ўхшаш,  
Сулув йўқдир ёрима ўхшаш.

Тақдиримга тоъле йўл солмиш,  
Кулиб қўлдан ёр гулим олмиш.  
Лек Нуриддин хаёлга толмиш,  
Борми бахтиёрима ўхшаш?  
Сулув йўқдир ёрима ўхшаш.

## ОШИҚЛИК

М

Бедаво эмасдир ошиқлик,

Табиби- маъшуқа, маъшуқа.

Ҳабиби -маъшуқа, маъшуқа.

Нажиби- маъшуқа, маъшуқа.

Бедаво эмасдир ошиқлик,

Етгунча қадами ҳасратли,

Ихтиёр, олами ҳайратли,

Бевафо макрига нафратли.

Бедаво эмасдир ошиқлик,

Бирининг фиғони ўрлайди,

Хаёлин малакка йўллайди,

Мажнуннинг измини қўллайди.

Бедаво эмасдир ошиқлик,

У фақат борлигим ёр дейди,

Зулфининг толаси дор дейди,

Етмасам топмишим ор дейди.

Бедаво эмасдир ошиқлик,

Севгани –малика, ул-шоҳи.

Фалакни тутмасин оҳ-воҳи,

Тилангиз, бахт бўлсин ҳамроҳи.

## ЎРГАНДИМ

Ёр васфини куйлашни шоҳ Машрабдан ўргандим.

Худога ҳамд сўйлашни шоҳ Машрабдан ўргандим.

Армонлар исканжаси яшамоқдан бездирса,

Ду оламини ўйлашни шоҳ Машрабдан ўргандим.

Саркашликда яшади, элларга сочди ғазал,

Довот, қоғоз йўқ эрса елларга сочди ғазал,

Юз йилликлар басма-бас дилларга сочди ғазал,

Ғазални обрўйлашни шоҳ Машрабдан ўргандим.

Хотирамга жамланур маъно тўла мисралар,

Эвоҳ, дея лол қолгум, наво тўла мисралар,

Тин олиб ўйга толгум, сано тўла мисралар,

Ўзни художўйлашни шоҳ Машрабдан ўргандим.

Нолаи Машраб яшар тотмай висолдин ютум,  
Чорасизлик қўл тутиб, камситув қилган зуғум.

Қисматин тақрори йўқ, қайтмасин асло, дегум:

Ғайбул ишқни куйлашни шоҳ Машрабдан ўргандим.

Изларин олиб қолган қанча саҳро, дашту чўл,

Сарсонлигидан толган юртларни боғловчи йўл,

Шеърхонга ларза солган манзумалар қўлма-қўл,

Нуриддин ҳақгўйлашни шоҳ Машрабдан ўргандим.

**20.05.2016**

## ГАПИМ БОР

Хаёл суриб, ёлғизликни хуш кўрган,  
Ёр висолин соғинганда туш кўрган,  
Дилгинаси чап кўксида жўш урган,  
Ҳайронага айтарим бор, гапим бор.

Яноғида нигоҳ тортар холи бор,  
Сўздан аён тил учида боли бор.  
Заҳмати ишқ буккан қадди доли бор,  
Жононага айтарим бор, гапим бор.

Хаёл уни сайрибоққа бошлаган,  
Лола ишқи сайри тоққа бошлаган,  
Интизорлик маъюс кўзни ёшлаган,  
Мастонага айтарим бор, гапим бор.

Маъсум боқиб ларзаларга қул қилар,  
Оташида ошиғини қул қилар,  
Содик эрсанг ҳаётингни гул қилар,  
Яғонага айтарим бор, гапим бор.

Сен малаксан Машраб қўли етмаган,  
Жон ҳалаксан, ёрни мулзам этмаган.  
Дутордирсан ўзга созчи чертмаган,  
Айтарим шул Аллоҳ этсин бахтиёр.

5.03.09

## АЙРО ТУШГАН...

Хаёл олмас кўкдаги қушдан,  
Алам чеккан кўргани тушдан.  
Бевафолик заҳмини тотгач,  
Айро тушган ақлдан, хушдан.

Боши қуйи хиёбон кезар,  
Кўзлар сўниқ, хор, нолон кезар.  
Тикилганлар зумдаёқ сезар,  
Айро тушган ақлдан, хушдан.

Фарҳоду Қайс , Вомику Тохир,  
Висол майин тотмаган охир.  
Ҳатто бугун учрар бирда- бир,  
Айро тушган ақлдан, хушдан.

Чап кўксида муҳаббат тахти,  
Содиқлиги умрининг бахти.  
Кимки деса: ростмикан аҳди,  
Айро тушган ақлдан, хушдан.

Аё Мажнун бу қайтар дунё,  
Ўнгламагай тик боқса хато.  
Нуриддин ҳам топгунча вафо,  
Айро тушган ақлдан, хушдан.

11.01.2009



## САЙЁДМИСАН

Шайх Санъонни диндан чиқарган,  
Зулфиқорни қиндан чиқарган.  
Рухни тана - индан чиқарган,  
Офатижон жаллодмисан ишқ?

Мажнуннамо ошиқлар камми?  
Нолон, фиғон қўшиқлар камми?  
Ҳасратларга буркаб оламни,  
Чалган куйи “Фарёд”мисан ишқ?

Алп йигитлар қаддини буккан,  
Нидоси дил тубига чўккан.  
Ҳушин олиб ашкини тўккан,  
Ҳаловатга барбодмисан ишқ?

Бойчиборга қанот боғлаган,  
Қасамига сабот боғлаган,  
Алпомишга ҳаёт боғлаган,  
Барчин айтган баётмисан ишқ?

Дучор бўлса беором қолган,  
Ранжу алам сари йўл олган.  
Дашти ҳижрон ичра йўқолган,  
Бечорага сайёдмисан ишқ?

Мадҳингга қўл берса Нуриддин,  
Қалбига йўл берса Нуриддин,  
Мулодин мўл берса Нуриддин,  
Умрин тотти новвотмисан ишқ?

9.09.2009

Исхори дил

## Қ Ҷ Н Д И

Ўну саккиз ёшингга кўнди,

Ҳилол келиб қошингга кўнди.

Қуёш нурын зарра-зарралаб,

Маржон отлиғ тошингга кўнди.

Жоду яшар кўзинг ичида,

Меҳр кулар сўзинг ичида.

Ишқ унади рўзинг ичида,

Билсанг бахтинг бошингга кўнди.

Кулгуландинг, юзингда байрам,

Байрам қувар кўнгуллардан ғам.

Нуриддинга айласанг карам,

Бил,бахтинг йўлдошингга кўнди.

17.05.2007

## МУНТАЗАМҲОНИМГА

Аввал кўнмай сўнгра ўзи севиб қолган,

Ёшлигимдан ўзиники қилиб олган.

Сафарларга кетганимда ёстиқ кучиб,

Соғингану гумонлардан роса толган

Ёрижоним, жонажоним ўзингдирсан.

Хизматидан толиб қайтган, билдирмаган,

Баъзан танбеҳ олиб қайтган, билдирмаган.

Тўртта қизни ўзи каби тарбиялаб,

Ранжитсалар нолиб қайтган, билдирмаган-

Ёрижоним, жонажоним ўзингдирсан.

Энди бизга қолди ширин ҳамсуҳбатлик,

Хотиралар уммонида тансиҳатлик.

Қўлтиқлашиб юрганимиз кўрганлар дер:

Шулар каби бўлсак эди ҳамжиҳатлик

Ёрижоним, жонажоним ўзингдирсан.

Пирлик бахтин кўрганларнинг авлодимиз,

Насиб қилса чиқмас сира фарёдимиз.

Иккимиз ҳам кўнгулларга сочдик зиё,

БАХТ сўзининг тўрт таснифи ҳаётимиз

Ёрижоним, жонажоним ўзингдирсан.

17.05.2020

## ҚАДРИЯТ

“Бирингга минг берсин” бу дуо

Саховатга йўлловчи даъват.

Ушалади ҳар бир муддао,

Қай кўнгилга соҳиб саховат.

Аллоҳ дебди: берганга бергум,

Бу нақлнинг тўрида юрак.

Миллатим-ла кўкракни кERGум,

Халқ сахоси энг буюк кўмак.

Бир ривоят тилларда юрар,

Ривоят-ки удумга ҳайкал.

Битта муштан урса ўлдирар,

Бир тишламдан берса очлик ҳал.

Дейдиларки, битта майизни

Қирқта киши бўлишиб еган.

Демак бугун чўчитмас бизни,

Инқирозу карантин деган.

Юртимизга яратган эгам,

Саховатни қўйибди тўкиб.

Нима эксак унади бекам,

Конлар ётар заминга чўкиб.

Оқибатнинг томири сахо,

Беролмаган, ширин сўз айтар.

Бир ишонч бор дилда бебаҳо,

Берганларинг Аллоҳдан қайтар.

Тўрт қўшнига таом илинган,

Халқимизга омад бўлсин ёр.  
Асрларки амал қилинган,  
Қадриятлар умри барқарор.

## САХОВАТ

Саховат бу - китобдир,  
Оқибатга хитобдир.  
Меҳр ипин боғловчи,  
Яхшиликка шитобдир,  
Ҳосиласи савобдир.

Аллоҳдан - ер саховат,  
Меҳнатдан тер - саховат.  
Донодан - дур, саховат,  
Ёзганлари хитобдир,  
Ҳосиласи савобдир.

Асли саховат – меҳр.  
Толе, саодат – меҳр.  
Кимда ҳаловат, меҳр,  
Сувчи туни беҳобдир,  
Ҳосиласи савобдир.

Карами Эгам ато,  
Нуриддин бўлгил сахо.  
Қабул бўлгай бесадо,  
Сатрларинг офтобдир,  
Ҳосиласи савобдир.

24.04.2020

## МАХТУМҚУЛИЁНА

Шоир ўйи бу беҳуда ўй деманг,  
Ҳар кўча ҳам ёра юрар кўй деманг.  
Табиат ранг неъматига тўймайман,  
Аё дўстим, шайдоликни кўй деманг.

Бир бор яшаш бахтин кўрди пешона,  
Ўсмирликнинг аҳдин кўрди пешона.  
Камолотнинг тахтин кўрди пешона,  
Аё дўстим, сиполикни кўй деманг.

Умр сўнги сароб бўлмас, бу бахтдир,  
Вафо қасри хароб бўлмас, бу бахтдир.  
Яхшилик бежавоб бўлмас, бу бахтдир,  
Аё дўстим, фидоликни кўй деманг.

Шовқин-сурон азиятдан бездим-ку,  
Ёлғизликнинг дунёсини кездим-ку.  
Соғинч деган туйғу таъмин сездим-ку,  
Аё дўстим, савдоликни кўй деманг.

Гулзоримга меҳр боғлайман баҳор,  
Қуёш нурин интиқ пойлайман наҳор.  
Нуриддинга кўп мухлислар интизор,  
Аё дўстим, раволикни кўй деманг.

14.05.2020

## БАХШИЛАРГА ҚАСИДА

Ҳўўўўў, Алпомишнинг ёшин мингдан оширган,  
Куч-қудратин дарёдайн тоширган.  
Ҳар дostonни созу-сўзга яширган,  
Бахшиларей, бахшиларей, бахшилар.

Сўз бойлиги луғатларга сиғмаган,  
Ўйлантирган, жўшган, кулган, йиғлаган.  
Ғанимларга қирон солган тиғлаган,  
Бахшиларей, бахшиларей, бахшилар.

Илҳомига Аллоҳ илҳом кўшганда,  
Айтимига сингиб кетган жўшганда,  
Дил дардини арқондайн эшганда,  
Бахшиларей, бахшиларей, бахшилар.

Гоҳи бўғиз, гоҳи очик овозда,  
Қаҳратонда, саратони ёр ёзда.  
Эли аро сози билан парвозда,  
Бахшиларей, бахшиларей, бахшилар.

Устоларга косахона йўндирган,  
Чертганида созга булбул қўндирган.  
Ҳар юракда садоқатни ундирган,  
Бахшиларей, бахшиларей, бахшилар.

Бахши-шоир каломига мансублар,  
Оқин, жиров чин номига мансублар.  
Ҳар қадам эл саломига мансублар,  
Бахшиларей, бахшиларей, бахшилар.

Асрлардан асрларга ўтганлар,  
Сўзамоллик туғин баланд тутганлар,  
Аждодлари истиқлолни кутганлар.  
Бахшиларей, бахшиларей, бахшилар.

Достон –чинор, шоҳи назму-настрият,  
Аралашмас айтарида расмият.

Ёлғони йўқ ҳар хониши аслият,  
Бахшиларей, бахшиларей, бахшилар.

Эзгу ният ҳар ижрога қовушган,  
Ҳақ гап айтиб разолатни қувишган.  
Зиё сочар Аллоҳ берган товушдан,  
Бахшиларей, бахшиларей, бахшилар.

Гўрўғлига чечасини излатган,  
От ўйнатиб керак жойда сўзлатган.  
Ошиқларни ҳижрон аро бўзлатган,  
Бахшиларей, бахшиларей, бахшилар.

Бобомерос дostonларни тиклаган,  
Маъно мулки баёнларни тиклаган.  
Элда номи аёнларни тиклаган,  
Бахшиларей, бахшиларей, бахшилар.

Тўрт бахшини буюк қилган Самарқанд,  
Фозил Йўлдош, Пўлкан ўтган сарбаланд.  
Жуманбулбул, Ислом шоир бемонанд,  
Бахшиларей, бахшиларей, бахшилар.

Қашқа, Сурхон ўринлатар дostonни,  
Қорақалпоқ жирови ўртар жонни.  
Дерлар: тингланг хоразмлик бийронни,  
Бахшиларей, бахшиларей, бахшилар.

“Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” гул дoston,  
“Хирмондали”, “Ошиқ Маҳмуд”, “Бозиргон”.  
“Юсуф Аҳмад”ни айтмоқда навқирон,  
Бахшиларей, бахшиларей, бахшилар.

“Алпомиш”ми водийда ҳам куйланган,  
Чечанликда Раззоқ бахши сийланган.  
Ардоқли эл куйчиси деб сайланган,  
Бахшиларей, бахшиларей, бахшилар.



Бек Авазхон париларни кучган дер,  
Ҳасан кўлбар Равшан кўлин ечган дер.  
Воқеалар ишонарли кечган дер,  
Бахшиларей, бахшиларей, бахшилар.

Муболаға ишлатмоққа мохирлар,  
Ром этмоққа куйи, сўзи соҳирлар.  
Мухтасарни тўйлар билан охирлар,  
Бахшиларей, бахшиларей, бахшилар.

Бойчибору, Ғиркўк, Жийронқуши бор,  
Муҳаббатдан қаср сиққан тўши бор.  
Ўрнак бўлар доно, эсу ҳуши бор,  
Бахшиларей, бахшиларей, бахшилар.

Сулоланинг давомидир барқарор,  
Ўғли берди дўмбирага ихтиёр.  
Билар доим халқи кутар интизор,  
Бахшиларей, бахшиларей, бахшилар.

“Ўзбекистон халқ бахшиси” унвонли,  
Достон олтин эса, олтин хирмонли.  
Шогирдпарвар устоз, кулган давронли,  
Бахшиларей, бахшиларей, бахшилар.

Замонанинг шиддатига ҳамқадам,  
Терма, достон унга дўсту-ёр, ҳамдам.  
Тингловчини лол этолган дамбадам,  
Бахшиларей, бахшиларей, бахшилар.

Ижросини дунё бўйлаб кездирган,  
Бахт нашъасин сози билан сездирган.  
Қайга борса дўст даврасин туздирган,  
Бахшиларей, бахшиларей, бахшилар.

Ниятлари вожиб бўлиб гул очган,  
Достонсевар эл дуога кўл очган.  
Шуурига даъватлар мавзу сочган,  
Бахшиларей, бахшиларей, бахшилар.

Бизлар азал бахшили эл, улуғ эл,  
Дастурхони тўкин, ери бўлуғ эл.  
Айтарингиз: истиқболга тўлиқ эл,  
Бахшиларей, бахшиларей, бахшилар.

Ижобатда Юртбошининг қарори,  
Бугун келди аҳли бахши барори.  
Авжпардада кўбиз, дўмбира, тори,  
Бахшиларей, бахшиларей, бахшилар.

05.02.2019

## ҒАЗАЛ БЎСТОНИ АРО

### СЕВИБ ҚОЛДИМ

Забоним гунг эмас, нолон, нетайки мен севиб қолдим.

Улушим, топганим ҳижрон, нетайки мен севиб қолдим.

Латофат кўзларида жо, аҳён-аҳён бўлар пайдо,

Анга боғланди илҳақ жон, нетайки мен севиб қолдим.

Йилу ойлар югургайлар, жилға сойлар югургайлар,

Хавотирда дилим вайрон, нетайки мен севиб қолдим.

Оғушимга кирди армон, қачон келар кутилган он,

Борар жойим йўқ бенишон, нетайки мен севиб қолдим.

Етиб бормас наҳот нолам, армон бўлгайму ҳаволам,

Гўзал кўйида ашким қон, нетайки мен севиб қолдим.

Ихтиёрим бўйинсинмас, яшаш бу ҳолда мумкинмас,

Мани тарк этди хушнуд он, нетайки мен севиб қолдим.

Гирифтори вафо бўлғум, демасман гул каби сўлғум,

Ашъор битдим Нуриддинжон, нетайки мен севиб қолдим.

## ЭЪТИРОФ

Саломатлик чекиниб, ажин бирла ғам келди.

Умрга ҳисоботдай хаёлкашлик дам келди.

Билак қуввати билан қилинган ишлар тарих,

Бугунги куч самари боши эгик хам келди.

Обу ҳаво тунд эса кўнгилни булут қоплар,

Сайри боғ айламакка истак, хоҳиш кам келди.

Камаймоқда сафимиз, тақдири азалдир бу,

Хотиралар жонланиб хира кўзга нам келди.

Юлдузли тунлар сўнмай, қуёшли кунлар унмай,

Наҳот олиб кетгани чўбин от илдам келди?

Ғам лашкарин маҳв этиб, ғолибона шахд билан,

Бошинг кўтар Нуриддин, ёринг Мунтазам келди.

## ФАҚАТ МЕНГА...

Муҳрлагач нурли кўзга дарди пинҳонни.,  
Бўзлай-бўзлай босиб ўтдим дашти ҳижронни.

Дашти ҳижрон синовлари буколмади қад,  
Аҳди –паймон мағлуб этди ғайри паймонни.

Дедим: умрим риштасини дилингга боғла,  
Ҳукмингга ол сен деб урар бу ширин жонни.

Бахтиёрлик тахти узра жой олди ёрим,  
Юлиб отдим юрагимдан оҳу афғонни.

Нуриддиннинг суянгани, таянгани сен,  
Фақат менга отиб яша тийри мижгонни.

## АЙРИЛГУМ

Агарчи сендан айрилсам, демак жонимдан айрилгум.

Гумонга йўл, изн берсам бор имконимдан айрилгум.

Сарин еллар силаб ўтган гули райҳон фараҳбахшдир,

Агар меҳнат раво бўлмас, тузу нонимдан айрилгум.

Зиё сочиб кўнгилларга иззату эътибор топгач,

Меҳр тўксам ҳаловатга китобхонимдан айрилгум.

Ўтар йиллар қувиб йилни балоғат кўрсатар қомат,

Анинг кадрини паст тутсам пок иймонимдан айрилгум.

Истикбол шахд ила чорлар, йўлида порлар истиклол,

Нуриддин, сафда йўқ эрсам, тирик онимдан айрилгум.

## ТОШКЕНТИМ

(1966 йил 26 апрель)

Замин бир тўлғондию бағринг тилинди, шаҳрим.

Аср кўрган бинолар синчлари синди, шаҳрим.

Одамки бор даҳшатга тушиб, кўрқув ичинда,

Ўртансада кетмади, сенга илинди, шаҳрим.

Само, темир йўллари йўқотдию тинчини,

Қадрингнинг баландлиги шунда билинди, шаҳрим.

Сафарбарлар оқими кўчаларинг тўлдирди,

Гўзал-гўзал бинолар елкангга минди, шаҳрим.

Бугунда беназирсан, қасрларинг муҳташам.

Сайёҳларнинг ҳайратдан кўзлари тинди, шаҳрим.

Тошкентим оғушингда Нуриддин андалибинг,

Шаънингга дил изхори ғазал қилинди, шаҳрим.

## КЕЛМАДИНГ ЁР

Соғинч киприкка инди, келмадинг ёр,  
Гумон кўнгилга минди келмадинг ёр.

Безовталиқ ҳукмидан чарчоқда кўз,  
Хоҳиш бўйсунмай тинди, келмадинг ёр.

Ширин-ширин ҳавога сочдингми бўй,  
Гуллар бехос силкинди, келмадинг ёр.

Аҳдимизга мажнунтол эрди гувоҳ,  
Тебранди шоҳи синди, келмадинг ёр.

Сувга айтган сирримиз оқа-оқа,  
Синган шохга илинди, келмадинг ёр.

Настаринга розингни қилдингми фош,  
Гул кафтимда исинди, келмадинг ёр.

Карам қилмадинг бир йўл Нуриддинга.  
Бағри чок-чок тилинди, келмадинг ёр.

2.11.2014



## КУЛГУНГ УЧУН

Зулфи паришонинг кўриб тимланди тун,  
Узори олингдан лабинг қарз олди хун.

Ҳосили нолалар берур бахти висол,  
Роҳат, дилоромсиз ҳаёт ночор, юпун.

Анвойи гуллар бўйлари тортгай йўлим,  
Хотири жамлик дамлари келмас нечун?

Овворалик гирдобига ғарқ айлашиб,  
Нохуш гумонлар олди ҳуш, бўлдим жунун.

Гашти фароғат онлари шаксиз келур,  
Билсанг Нуриддин садқадир кулгунг учун.

## ҚЎШНИ ҚИЗ

Ҳар тонг қиларим тилак: “Йиқилсайди шу девор,  
Икки ҳовли қўшилиб, бирлашардик икки ёр”.

У ҳовлида ўсган гул ифори девор ошар,  
Бу ҳовли булбулини маст айлагай шул ифор.

Якка қолгач ҳовлида дил розим куйланади,  
Қўшни қизнинг қалби ҳам ҳаприқар беихтиёр.

Синаштамиз, сир ётмас иккимиздан яширин,  
Нечук ота-оналар бизларга безътибор.

Муҳаббат оташидан ичим ёнар, кўз маъюс,  
Сир-асрорни онамга билдирмоқ бўлди қарор.

Дастурхон атрофида тақдир ипи бойланди,  
Маъво топдик кўзларда барҳам топди оҳу-зор.

Бузилмасдан девор ҳам оиламиз мустаҳкам,  
Нуриддин бахт соҳиби, дилда жўшар ифтихор.

02.04.2012

## ЖУДО БЎЛМАНГ

Эъзоланиш бахтидан, қизларжон, жудо бўлманг,  
Араз қилиб бемаврид , руҳан бесадо бўлманг.

Борлиққа файзиёбсиз, меҳрингиз қайнар булоқ,  
Сасингиз жонбахш эрур, муштоққа жафо бўлманг.

Донолик ҳам сизга ёр, мушкулотлар бўйсунар,  
Маъшуқингиз таянчдир, ранжитар садо бўлманг.

Изхори дил қилмоққа шева бўлолмагай ғов,  
Кўзлар уқар тилмочсиз, радди илтижо бўлманг.

Атойи худодирсиз Одам Ато қавмига,  
Насли Момо Ҳавосиз, кибрда ҳаво бўлманг.

Тавсифингиз Нуриддин қилгай нафас сўнгича,  
Сирли овоз малаклар, танловда хато бўлманг.

16.01.2013

## СУВРАТИНГ

Виқорли қояларнинг тинчин кўчган тош бузар,  
Маъноли пинҳонани тўрт қорачиқ фош бузар.

Ёлғизлик Илоҳга хос, дўст қидир феълингга мос,  
Айбинг очса эҳтирос, ҳолингни сирдош бузар.

Омад пойлар йўлингни, имкон тутар қўлингни,  
Мажнун ўртаб чўлингни яноғини ёш бузар.

Изларингни ўпар гул, саралар ичра маъқул,  
Ҳаяжондан титраб қўл сувратинг наққош бузар.

Қалб кўксингда жонсарак, севгидан бериб дарак,  
Қабулар каби юрак ҳаприқиб, бевош бузар.

Шоҳид бўлдинг Нуриддин, кўнгулга ишқ қургач ин,  
Ошиқ йигитнинг тинчин сулув қаламқош бузар.

10.01.2013

## ТУШАР

Кузак шамоли эсса хас, хазонлар дув тушар,  
Соддадил сахий одам фирибгарга чув тушар.

Қай кўнгилда унса гар яхшилиқнинг уруғи,  
Бадхулқлар оромига ваҳима, кўрқув тушар.

Беҳаловат тунларни ато этгач муҳаббат,  
Ошиқ қаён боқмасин кўзига сулув тушар.

Қут-барака умидли деҳқон ерни боқмаса,  
Нени кутар, хирмонга кузда не йиғув тушар.

Аттанг демокдин йироқ теран фикрли ёшлар  
Зиммасига ушбу кун ўқув ҳам уқув тушар.

Нуриддин ота мерос анъана давомчиси,  
Бузувга тоқатим йўқ, чекимга қурув тушар.

14.01.2013

## ДЎСТ КЕРАК

Мунавварлик, ёруғлик манбаидир ой, офтоб,  
Илму одоб сандиғин калити дерлар, китоб.

Истиқлол йилларининг ҳар бири мингта достон,  
Ҳар бирига муҳрланган сарҳисоб, чорлов, хитоб.

Сидкидил эл корига ҳар кунинг бахшида эт,  
Йиртиб от ҳур қизларнинг юзини тўсса ҳижоб.

Диллашурга дўст керак, тиллашурга ҳамфикр,  
Иккисин топмас эсанг, ахтарурга қил шитоб.

Жилваларга қўйма ҳирс, кўзларинг тингай охир,  
Чўлда ташна етмагай жилвага, чунки сароб.

Машқи ижод толмасин, айла ғайрат Нуриддин,  
Ёзмасанг кони гуноҳ, ёзганинг ажри савоб.

9.01.2011

## Ким эдик

Қуёш кўрмай гуллаган мевага қиёс эдик.  
Фароғи кишанланган, кори илтимос эдик.

Дунёларни лол этиб нур таратган бетимсол,  
Илмий уммон тубидан дур терар ғаввос эдик.

Ўн саккиз минг оламда хаёл билан сайр этган,  
Қашшоқликка маҳжум, лек, онги бой ҳассос эдик.

Дунё тамаддунига беҳисоб улуш қўшдик,  
Пешқадамлар зикрига доим қулоқ ос, эдик.

Шимолдан “булут” босиб, қолгач қаро зулматда,  
Юрти талон, саргардон, сиришки шаррос эдик.  
Ўтмишин ўқий олмас, имлолардан беҳабар,  
Ҳарфлар ўзгарувидан манқуртларга хос эдик.

Одамизод заволи, бетоблик маҳв айласа,  
Мадад Синомиз билан ранжлардан халос эдик.

## КИМ БЎЛДИК

Аср охирламоққа тўққиз йил қолганида,  
“Ўзбек иши” беайбнинг бўғзидан олганида,  
Иттифоқ атамаси мавқедан толганида,  
Сарвари юрт амр этди, зуғумдан озод бўлдик.

Тубдан янги режаю эзгу, порлоқ тонг билан,  
Турғунлик тарафкашин кўзин очиб, бонг билан,  
Сабот билан фитналар йўлин тўсиб, онг билан,  
Рамзига Ҳумо қўнган бир ўлка бунёд бўлдик.

Дунё илмгоҳига ёшларимиз сочилди,  
Жаҳоний синовларда имконлари очилди.  
Бани одам ўзбекнинг бугун кимлигин билди,  
Олам кезар байроғим, қуллиги барбод бўлдик.

Мевасиз ҳовли кўрган, дерки: бу биздан эмас,  
Ерга меҳр бермаган эртасин ғамин емас.  
Айтингчи, бу Ватанни бугун ким жаннат демас,  
Қурмоқнинг ҳаддин олдик, маъвои обод бўлдик.

Беш тамойил шахд ила амал топди ҳаётда,  
“Ўзбек модели” бугун мағрур кулар баётда.  
Боболарнинг мероси давом этар авлодда,  
Неки яхшилик бўлса барига қанот бўлдик.

Оҳанрабо юрт бўлиб сайёҳларни тортувчи,  
Тарихидан бохабар- огоҳларни тортувчи,  
Тараққийга қўл чўзган ҳамроҳларни тортувчи,  
Мадҳияси жарангдор, бахти умрбод бўлдик.

### **КИМ БЎЛАМИЗ**

У дунёнинг жаннати бу дунёга кўчгуси.  
Сир, Амунинг қўшиғи нур, зиёга кўчгуси.

Фуқароси яратмоқ ишқи билан яшарса,  
Фикри ёди илму фан, ихтирога кўчгуси.

Алпомишга менгзарли посбонларнинг забтидан,  
Ғанимларнинг режаси алвидога кўчгуси.

Яқин –йироқ қўшнилари ҳавасини сезамиз,  
Ҳасадгўйлар ҳайрати, ажабога кўчгуси.

Тоғларга ларза солиб Қамчиқдан ўтган поезд,  
Сўнг бекати хитойча марҳабога кўчгуси.

Аллоҳнинг инояти, Истиқлол моҳияти,  
Мард зотларнинг нияти муддаога кўчгуси.

Келажак тамойили тасаввурларга кўчди,  
Шаънимизга раҳматлар ҳар дуога кўчгуси.

3, 14.08.2015



## Ма қ о м

Бирлашувдан олти ирмоқ бўлди чўнг дарё - мақом.

Неча юз йилларки солмиш диллара маъно - мақом.

Мир Алишер баҳра олган, баҳрамандмиз токи биз,

Эл аро эъвозга молик, ҳар юракка жо мақом.

Йўлларида қанча-қанча куйчини бедор этиб,

Бизлара келгач аталди, мисли йўқ танҳо мақом.

Ибни Сино ҳам Навоий, ҳазрати Жомий, Бобур,

Сирри мусиқа ҳақинда чекдилар иншо, мақом.

“Авжи турк”, “Зебо пари” ушбу санъат беазаги,

Иккисин ким қўллай олса унга салламно, мақом.

Бебаҳо олтин хазина ҳар қатига кўз нурин,-

Тўккан Ражабий Юнусни этди мавлоно, мақом.

Эй Нуриддин тингла, англа, куйланур хуш пардада,

“Бузрук”у “Рост”, «Дугоҳ», “Сегоҳ” “Ироқ”у “Наво” мақом.

14.02.2016

## Б Ў Л М А С А

х

Ниҳол қандай барқ урсин илдизда нам бўлмаса,  
Сувга йўл тортар кетмон тутган одам бўлмаса.

Гул фасли ўтиб қуёш аямаса ҳарорат,  
Тонгни ҳам файз йўқламас, биллур шабнам бўлмаса.

Меҳр қўйиб қадалган кўчат шохи ёзса барг,  
Келажакка борар у боғбон беғам бўлмаса.

Ҳузур туйиб яшамоқ бахтидан ким мосуво?,  
Ким лоқайдликка маҳкум, шахдам қадам бўлмаса.

Ҳаракатда барокат нақлига қилган амал,  
Йўқчиликдан йироқдур, ғафлат ҳамдам бўлмаса.

Нуриддин Бойчиборинг улоқда ўзмоқ истар,  
Илҳом оти ўзмагай хотиринг жам бўлмаса.

11.4.2018

## АҲЛИ ТИБ БАРДАМ БЎЛИНГ

Аҳли тиб бардам бўлинг, беморлар зорланмасин,  
Зеҳнингиз ишга солинг, абгорлар зорланмасин.

Гул ҳаётнинг нашъасин тотар чоғи ногаҳон,  
Алп йигитлар, кексалар, дилдорлар зорланмасин.

Меҳрингиз вобастадир илми мадад Синога,  
Руҳи Сино қўлласин, бедорлар зорланмасин.

Хасталик қонин сўриб олган зулукдек , алҳазар,  
Ранги заҳил, заъфарон дийдорлар зорланмасин.

Инграгай, жони ҳалак сўзингиз муштоқлари,  
Илму фан, аҳли қалам, ашъорлар зорланмасин.

Шаънингизга бул Нуриддин айтди дилдан бир ғазал,  
Диллара малҳам бўлинг, ночорлар зорланмасин.

29.11.2020

## НОЗЛАНИБ

Эътиборим тортди дилдор нозланиб,

Ўзига этди гирифтор нозланиб.

Зебу зийнатсиз, оросиз, бир гўзал,

Беназирлик қилди изхор нозланиб.

Кўз узолмай қолганимни сездию,

Тишлади лаб, тортди хушёр, нозланиб.

Шодумонман, камолот ёшидаман,

Севги кўнди қалбга илк бор нозланиб.

Энди билдим нозлари эркан тузоқ,

Жоним олғай такрор-такрор, нозланиб.

Хуш, иродам бўйинсунмас ўзима,

Шу аҳволга солди маккор нозланиб.

Нома битиб тутдим нозик қўлига,

Жиддийлашди беихтиёр, нозланиб.

Эй Нуриддин ноумидликдан чекин,

Кўзи айтар, бўлади ёр, нозланиб.

10.12.2020

## УЙДА ҚОЛИНГ

Аҳли тибнинг даъватига итоатда уйда қолинг,  
Собит бўлиб, ўрناق бўлинг, қаноатда уйда қолинг.

Бу имкон ҳам яратганнинг бир синови, тушунганга,  
Онгни чархланг, меҳрингиз бор ибодатда, уйда қолинг.

Хизмат дея, юмуш дея тонгдан кетиб то шомгача-  
Беҳабарсиз, файз тўкилган иморатда, уйда қолинг.

Оилангиз бағридасиз, сочинг меҳру мурувватни,  
Яна бир бор ҳис этгайсиз, муҳаббатда, уйда қолинг.

Соғингайсиз, илож қанча, дўсту улфат, ҳамкасбни,  
Келар кунлар, нигоҳ тўйгай, ҳа, албатта, уйда қолинг.

Кун ўтмоғи қийин дерсиз, ўтиб тун кулгуси офтоб,  
Нуриддин дер: яшаб халқим, саломатда, уйда қолинг.

20.04.2020

## ПАНД ЎҚИДИМ

Қай китобга меҳр тўксам, панд ўқидим,  
Маъноларин мағзи - таъмин, қанд ўқидим.

Фикрларим жам айлабон шукр дедим,  
Ёзмишлари ўйима пайванд, ўқидим.

“Яхши ният ёрти мол”- дер эрди отам,  
Бағишловим дуони баланд ўқидим.

Ҳазрат Саъдий “Гулистон”и ичра кириб,  
Чиқолмайман, такрорлаб, ҳарчанд ўқидим.

Буюкларнинг силсиласи тилло ҳалқа,  
Зеҳн толмайди токи банд-банд, ўқидим.

Ҳақдир нури дийда сўниб бормоқлиғи,  
Дер Нуриддин: имкона монанд ўқидим.

22.04.2020

## ФАХРИЯ

Эй холиқи жаҳоним ҳикматингга тасанно,  
Жумла олам сарвари умматингга тасанно.

Янги тонглар кун – бакун сафҳа битмиш тариха,  
Баҳоси йўқ сафҳалар зархатингга тасанно.

“Ишлаганлар тишлайди”- қонуният бу нақл,  
Меҳнатдан ёруғ юзлар зийнатингга тасанно.

Кўз қувнатар боғу роғ, ҳосилга бой пайкаллар,  
Ерга меҳр тўкканлар ҳимматингга тасанно.

Илму урфондан таълим бериб кетган боболар,  
Шаънин улуғлаб деймиз ибратингга тасанно.

Сабру матонатига синовлар дош бермаган  
Юртлар сафида олди шавкатингга тасанно.

Ҳар жабҳанинг ютуғи ойинаи жаҳонда,  
Эй шарафга моликим талъатингга тасанно.

Сахийлик қуёшидан саховатга эш халқим,  
Нуриддин дер: ер усти жаннатингга тасанно.

11.05.2020

## РУБОБ КУЙГАЙ

х

Кулиб келса нигорим гар, жафожў изтироб куйгай.

Ўзимда ихтиёрим йўқ, санчилиб кўзга хоб куйгай.

Самар бергач таваллолар, ушалгач ҳар муддаолар,  
Аромизга нифоқ солган ғаним таққан ниқоб куйгай.

Бўлмоқ куйчийи садоқат умидида чекиб заҳмат,  
Нолаворликка эш бўлсам, қўлимдаги рубоб куйгай.

Деганлар ўн беши ёруғ, қародур ўн беши ойнинг,  
Кима ойлар саноклидир, кимлардадур ҳисоб куйгай.

Тилимга илтижолар ёр, ғазалга кўш хижолар ёр,  
Ёзишдан тўхтасам бир бор, қўрқаманки шитоб куйгай.

Ўзин қадрин билар одам, билур ўзгалар қадрин ҳам,  
Нуриддин, Раббано хотам, дема бори савоб куйгай.

Нуриддин Аминжон

90 963 25 48

17.05.2020



## МАХФИЁНА ҚАРАШИҢГ

Ақлу ҳушни олди бошдан махфиёна қарашинг,  
Гўё абр орти қуёшдан махфиёна қарашинг.

Мен балоғат ёши ичра ғўр эдим, кўп ғўр эдим,  
Йўлдан оздирди шу ёшдан махфиёна қарашинг.

Сирли тушлар қароргоҳим кўйи васлинг дардида,  
Пинҳона тут дер сирдошдан махфиёна қарашинг.

Мақдамингга гул сочурман, кимки гуллар ошиғи  
Қалби дерлар эмас тошдан, махфиёна қарашинг.

Ёр кўчангдан ўтганимда баъзан-баъзан жуфт бўлиб,  
Имлаб айиргай йўлдошдан махфиёна қарашинг.

Олма яноқ, ороли юз нечаларга ғам, алам,  
Англагайму кўзу қошдан, махфиёна қарашинг.

Амри кўнгулга Нуриддин оқибат берсам изн,  
Нега уёладур фошдан, махфиёна қарашинг.

3.12.2020

### **КЎЗИМНИ ЁНДИРИБ**

Лаъли лаб кетди кўзимни ёндириб,  
Қонлади ол-ол юзимни ёндириб.

Тавба- тавба, бир калима сўз демай,  
Қилди вайрон кундузимни ёндириб.

Нени айтай, ёпилмас кўз қабоғим,  
Ахтарурга юлдузимни ёндириб.

Ҳоли зорим, раҳмига муштоқлигим,  
Келса кошки ҳар изимни ёндириб.

Ишқ шамоли кўкрагимга тегди, оҳ  
Ел ўчирмас ўт сўзимни ёндириб.

Нуриддин дер: қатл учун лозим эса,  
Садқа қилгум мен ўзимни ёндириб.

2.12.2020

## ҲАР СЎЗИНГ

Хуш кайфият ато ҳар сўзинг,  
Жонга ором, ҳаё ҳар сўзинг.

Ҳаёлимда минг бор айланар,  
Жонбахш оҳанг, садо ҳар сўзинг.

Китоблардан йиғилган инжу,  
Маънолари дарё ҳар сўзинг.

Ҳаётимни инондим сенга,  
Ўзгага нораво ҳар сўзинг.

Васли висолда англаб эрдим,  
Мисли оҳанграбо ҳар сўзинг.

.

Нуриддиннинг ҳар дамига эш,  
Моҳияти вафо, ҳар сўзинг.

29.11.2020

## ДИЛНИ ЁҚАР ЭКАНСИЗ

Таннозалар ичинда дилни ёқар экансиз,

Латофат ирмоғида гулдай оқар экансиз.

Кўнглингиз муҳаббатга ошиёна, берки йўқ,

Даричасин ичидан илгак тақар экансиз.

Умидлар дарёсида сузиб бордим очгали,

Шижоатли ким чертса қиё боқар экансиз.

Ўзингиз тўлган ойдек, қошингиз ҳилол десам,

Дугонангизга сирни имлаб, “чақар” экансиз.

Шаддод қизлар мисоли ноўрин каломларсиз,

Кулиб- кулиб балога бошим тикар экансиз.

Мажнуннамо ҳолатим наҳотки аён эрмас,

Бу ҳолимнинг тарҳини қачон уқар экансиз.

Бевафолик боғидан гилос татиб кўрмаган

Лабимга, лолаб каби қай он юқар экансиз.

Интизорлар баҳсида ғолиб чиққач Нуриддин,

Билдим, муносибим деб пешвоз чиқар экансиз.

19.12.2020

## ХУЛҚИ ЧИРОЯ ТУШСИН

Жон ҳалак кутганимга ғазалхон доя тушсин,  
Халқи учун ижодкор, безавол воя тушсин.

Чойхонаи “Жанггоҳ”да Ғафур Ғулом чой ичган  
Тангрим, ёраб боғимга ўшал чорпоя тушсин.

Дилраболар ҳар қадам оро билан ҳуш олар,  
Менинг кўнглим илоё, хулқи чироя тушсин.

Ватан бахтлар макони, тинчлигини асрашга  
Қасамёд қилганларга метин риоя тушсин.

Замин узра бир шарпа Жон олғични чарчатар,  
Ҳусни мутлақдан даво, ундан ҳимоя тушсин.

Нуриддин гар куёшдан тириш топса пешона,  
Бошимга китоб қўй, китобдан соя тушсин.

20.12.2020

## ЎЗГА ЁР ДАРКОР ЭМАС

Сен ўзингсан соҳиби дил, ўзга ёр даркор эмас,  
Мендан ўзга содиқи дил, кимса сенга ёр эмас.

Фитнагарлар таъна тошин дилга олма, ўйлама,  
Бахт йўлида кимки собит, таъна, дашном кор эмас.

Ҳар каломда шубҳа сездим, кўзларингда бор ҳадик,  
Сўйла жоним, севганига сирни очмоқ ор эмас.

Бадхуморлик тутмасин қўл, юрмайин ҳоли забун,  
Дил уйига файз ато эт, наҳот имкон бор эмас.

Айтган эрдим соҳиби дил, соҳиби гул сен дебон,  
Ол гулимни, дилни яйрат, майли де инкор эмас.

Шеър баҳона барча пинҳон тутганимни сўйладим,  
Ишқи дардим авжга чиқгай, йўқса сир ошкор эмас.

Даври даврон бизга монанд ишқлиларга берди бахт,  
Бер қўлингни бул Нуриддин сенсизин йўқ, бор эмас.

07.11.2020

## **ШАЙДО АЙЛАДИ**

Мушки анбар димоғимга хушлик ато айлади.

Ақиқ лаблар сочиб кулгу, ғавғо пайдо айлади.

Во дариғо, бу не сирким кетди қўлдан ихтиёр,

Лолу ҳайронлиқ ичинда қолдим , шайдо айлади.

Учрашув онини кутмоқ ўнгу тушни этди банд,

Дилкашимнинг ёди энди минг муаммо айлади.

Алданиб қолғонлар ичра бўлмоғимга йўқ сабаб,

Хотири жамлар ичиға лутф этиб, жо айлади.

Орият пастанма дейди, қадди бастингни кўтар,

Нуриддин, соҳибжамолинг бахт муддао айлади.

15.03.2014





## **БЕЗОВТАЛИК**

Дарё тубин тошин кўриб қалбни босди титроқлар,  
Гиёҳлари қовжираган сувсаб ётар қирғоқлар.

Қайнаб чиқар чашмаларнинг кўзларини қум босган,  
Афсусларга белангайдир нахот тошқин булоқлар.

Тоғларимиз қор ишқида булутларга чўзар кўл.  
Фақат норга улашгайму оби ҳаёт янтоқлар.

Сардобалар керакмикан замин ости наҳрига,  
Зако халқим топар роҳин, хазон топмас боғ-роғлар.

Яратганнинг меҳри туташ диёрдирку бу Ватан,  
Безовталиқ пинжидан чиқ, Нуриддин боқ, хуш чоғлар.

## БУХОРОДА, БУХОРОДА

Хаёлим дулдули ҳардам Бухорода, Бухорода,  
Фироққа бергувчи барҳам Бухорода, Бухорода.

Қиёсласам мисоли йўқ, қароғимда висоли йўқ,  
Ўзи хуррам, қадди тамтам, Бухорода, Бухорода.

Гуфтори хуш, рафтори хуш, йўлида нечалар гангуш,  
Зорланмагай, дили беғам Бухорода, Бухорода.

Тутмагаймикан уволим, кўзимдан уқмади ҳолим,  
Бағир уза томизган нам Бухорода, Бухорода.

Нома битдим нолам қўшиб, меҳримни бир олам қўшиб,  
Жавобин ёзгайми қалам Бухорода, Бухорода.

Шаҳд айласам чўқар тоғлар, оқ йўл тилар гулзор, боғлар,  
Хаста жонга тили малҳам Бухорода, Бухорода.

Етишмоқ муддао аҳди, бир кун кулиб тақдир, бахти,  
Нуриддин қилғуси байрам Бухорода, Бухорода.

**3.09.2009**

## МУНДАРИЖА

<b>Ўзбекистон-</b>	-	-----	-----	-----	-----	-----
<b>Ватан – менинг шонимдир</b>	-----	-----	-----	-----	-----	-----
<b>Сабр – саодат боши</b>	-----	-----	-----	-----	-----	-----
<b>Ғазал бўстони аро</b>	-----	-----	-----	-----	-----	-----

## ЯНГИ ДОВОНЛАРНИ КЎЗЛАЙВЕРИНГ

Ўзбек халқида “Дўппининг янгиси, дўстнинг эскиси яхши” деган доно нақл бор. Унинг мағзини чаққан инсон учун кўп ишоралар бор. Шундай эски, меҳрибон, ўзи кичик жуссали бўлса ҳам бағри кенг қадрдонимдан бири Нуриддин Аминжон бўлади.

Ота-оналарнинг жуда кўпи фарзандларига Нурали, Нуриддин, Нурулло, қиз бўлса Нурия, Нуринисо, деб исм кўяди. Бу болам одамларга нур улашсин, йўли ҳам, дили ҳам, нурли бўлсин деган маънони билдиради. Минг шукрки Нуриддин исми жисмига мос инсон бўлиб етишди, етмиш ёшида қанча-қанча қалбларга нур улашди.

Нуриддин Аминжон бугун Журналистлар ҳамда Ёзувчилар уюшмалари аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, санъат ва маданият фидойиси, серкирра ижодкор сифатида кўпларга танилди, обрў топди, ўндан ортиқ шеърий китоблар муаллифи бўлди.

Бу унинг меҳнатсеварлигидан, тиниб –тинчимаслигидан деб биламан.

Нуриддин ҳаёт мактабини ўтади. Чиноз туманидаги “Эски Тошкент” қишлоғи худудидаги пахта далаларига ёшлиги тўкилди.

Турсуной Охунованинг терим машинасига сув ташиди, бу соҳага мойиллик пайдо бўлди.

Отаси билан новвойчилик ҳам қилди. Лекин бир лаҳза ҳам санъатни, адабиётни унутмади. Устози Тўлаган Эргашев унинг қўлига тутқазган рубобни кўз қорачиғидек асради, устознинг ўғитларини дил тўрида сақлади.

Бу санъатга ошуфталик уни бора-бора Тошкент Давлат университетига (ҳозирги Миллий) чорлади.

Журналист сифатида юрт кезди, яхшиларнинг номини ардоқлади. Қайси гўшада ёш иқтидор бўлса унга елка тутди, кези

келганда билганини унга ўргатди. Бирга сафарларда бўлганимизда ҳатто олис қишлоқлардаги мактабларда ҳам “ассалому алайкум” деб чиқиб келадиган шогирдларини кўриб, ўзимда йўқ қувонганман.

Нуриддин Ўзбекистон Давлат телерадио комитетининг “Муסיқий эшиттиришлар бош муҳарририятида ишлаб юрганида унга ҳамқадам, бадий кенгашларда ҳамроҳ бўлган Туроб Тўла, Пўлат Мўмин, Ҳайдар Муҳаммад, Барот Исроиллардан ўрганди, дуо олди, астойдил хизмат қилди.

Муסיқамизнинг номдор заҳматкашлари Юнус Ражабий, Дони Зокиров, Ғанижон Тошматов, Орифхон Ҳотамов, Ориф Алимахсумов, Фаттоҳон Мамадалиев, Ботир Умиджонов, Баҳрулло Лутфуллаев, Деҳқонбой Ҳусанов, Темур Маҳмудовлардан маҳорат сирларини ўрганди, ибрат олди.

Ўзи ҳам улғайди, ёш истеъдодларни ҳам улғайтирди.

Етмиш беш ёшида ҳам тинмай одамларнинг корига яраб юриш бу Аллоҳ берган беназир бахт десак тўғри бўлади.

Ака-ука Ваҳобовлар, Матлуба Дадабоева, Юлдуз Усмонова, Нуриддин Ҳайдаров, Ўлмас Саиджонов, Авазбек Маҳмудов, Шермат Файзуллаев, Раҳматжон Қурбонов, Озода Нурсаидова каби қанча – қанча истеъдодларни топиб, халққа тақдим этган.

Ижодда бир лаҳза ҳам тўхтамаётган дўстим гоҳ-гоҳида “қариб қолаётгандекман” деб нолиб кўяди. Тўғри йиллар ўз насибасини олади, лекин Аллоҳ яхшиликка яраша ажр ҳам ато этади.

Дўстим Нуриддин, ҳали босиб ўтажагимиз довлонлар, ёзу – қишлар кўп. Ўзингиз айтганингиздек “ким қариса қарийверсин менга нима” деб яшайверинг.

“Исхори дил”ингизни ҳали кўп бор эшитайлик. Шундай экан, янги –янги довлонларни ошишга ўзингизни чоғланг, белни маҳкам боғланг!

Сизга ҳурмат билан Темур Убайдулло

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

( P A C M )

Нуриддин Аминжон (Нурдинжан Аминджанов) чини билан адабиёт, санъат фидойиси деб танилган.

Унинг ҳаёти ва ижоди одамлар орасида кечди. Ўзбекистон давлат телерадио қўмитасида ишлаб юрган пайтларида халқ оғзаки ижоди, бахшиларнинг дostonлари, термаларини ёзиб олишга, ёш санъаткорларни тарбиялаб катта сахнага кузатишга истеъдодини бахшида қилди. Айни пайтда ижод билан ҳам жиддий шуғулланди.

“Дилхирож”, “Айла табассум”, “Интизор кутдим”, “Қўшиқда кўраман оламини”, “Армонли дунё”, “Тупроғи зар, суви гавҳар”, “Умримиз боқийдир, умримиз боқий”, “Шукрона”, “Йиллар қўшиғи”, “Кўнглимнинг суврати”, “Севмай бўлурми сизни” сингари шеър ва дostonлар тўпламлари ўз ўқувчисини топди.

Табаррук етмиш беш ёшини нишонлаган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Нуриддин Аминжоннинг ушбу “Исҳори дил” шеърлар тўплами ҳам мухлисларига манзур бўлади деб ўйлаймиз.

